

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ОСОЙИШТАЛИК  
ВА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ХИЗМАТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**БОЛАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН  
САНИТАРИЯ-ГИГИЕНИК ТАЛАБЛАРНИ (0026-22-СОН САНҚВАН) ТАСДИҚЛАШ  
ТЎҒРИСИДА**

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 5 августа хисобга  
олинди, хисоб рақами 101]

Ўзбекистон Республикаси «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги **Фармонига** мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати қарор қиласин:

1. Болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига қўйиладиган санитария-гигиеник талаблар (0026-22-сон СанҚвАН) иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. «**Таътил давомида болалар соғломлаштириши кундузги оромгоҳларининг режимини тартибга солиш, таъминлаш ва ташкил қилиш бўйича гигиена талаблар**» (0285-10-сон СанҚвАН, 2010 йил 5 август) ҳамда «**Шаҳар атрофидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларини жиҳозлаш, сақлаш ва режимини ташкил қилиш бўйича санитария қоидалари**» (0286-10-сон СанҚвАН, 2010 йил 5 август) ўз кучини йўқотган деб топилсан.
3. Мазкур қарор Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.
4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

**Бошлиқ**

**Б. ЮСУПАЛИЕВ**

Тошкент ш.,

2022 йил 18 июнь,

12-сон

**Келишилди:**

**Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси К. РАФИКОВ**

2022 йил 15 июнь

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги  
хизматининг 2022 йил 18 июнданги 12-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига қўйиладиган санитария-гигиеник талаблар (0026-22-сон СанҚвАН)**

Мазкур санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (бундан буён матнда санитария қоидалари деб юритилади) болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига (бундан буён матнда оромгоҳ деб юритилади) қўйиладиган санитария-гигиеник талабларни белгилайди.

#### **1-боб. Оромгоҳларнинг бинолари ва иншоотларига қўйиладиган санитария талаблари**

1. Оромгоҳ ошхонаси ва омборхоналарининг деворлари (зарарсизлантириш воситалари ёрдамида мунтазам равишда намлаб тозалаш ишларини олиб бориш учун) намлика чидамли материаллар билан ишланган ёки мойли бўёқ билан бўялган бўлиши керак.

2. Оромгоҳда умумий ҳожатхоналар бино ташқарисида курилган ҳолларда улар яшаш жойидан 75 метрдан узоқ бўлмаган масофада алоҳида блокда жойлаштирилади. Бунда, 20 та қиз болага 1 тадан кам бўлмаган унитаз, 30 та қиз болага 1 тадан кам бўлмаган қўл ювиш раковинаси, 40 та ўғил болага 1 тадан кам бўлмаган унитаз, писсуар ҳамда қўл ювиш раковинаси ўрнатилиши лозим.

3. Оромгоҳ тиббий пункти алоҳида бинода, ётоқхоналардан камида 25 метр масофа узоқликда жойлаштирилиши лозим. Агар тиббий пункт бошқа бўлимлар билан бир бинода қурилаётган бўлса, унда алоҳида кириш жойи бўлиши керак.

4. Ётоқхоналарнинг деразалари куёш нурига нисбатан 136 даражадан 200 даражагача, ошхоналарнинг деразалари эса 290 даражадан 70 даражагача шимолий кенглийка йўналтирилган бўлиши керак.

5. Ошхонага киришдан олдин алоҳида майдонларда ҳар 20 та бола учун 1 та қўл ювгич ўрнатилиши лозим.

6. Болаларни соғломлаштириш оромгоҳларининг жиҳозлари уларнинг ёши ва бўйи кўрсаткичларига мос бўлиши керак.

#### **2-боб. Оромгоҳларни жойлаштиришга қўйиладиган санитария талаблари**

7. Оромгоҳда ҳайвонларни кўпайтириш ва сақлаш учун питомник ташкил қилинганда, оромгоҳнинг санитария-ҳимоя масофаси ҳайвонларнинг сонига қараб мазкур санитария қоидаларининг **1-иловасига** мувофиқ белгиланади.

Хизмат кўрсатувчи ходимларнинг турар-жой бинолари оромгоҳнинг асосий майдонидан ажратилган бўлиши керак.

Болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари қурилмалари ва уларнинг майдони мазкур санитария қоидаларининг **2-иловасига** мувофиқ белгиланади.

8. Оромгоҳ худудида меваси заҳарли, майда уруғли ҳамда тиканли буталарни, шунингдек болаларда аллергия келтириб чиқарадиган ўсимликларни экиш тақиқланади.

9. Оромгоҳда жисмоний тарбия ва соғломлаштириш иншоотлари учун майдон ҳар бир ўринга камида 20 кв метрдан тўғри келиши лозим.

10. Оромгоҳ худудида ҳар 100 ўринга 1 та ичимлик суви фаввораси ўрнатилади.

11. Оромгоҳ худудида чиқиндиларни йиғиш учун маҳсус бетонли майдончалар қурилади. Майдончаларга металл ёки бошқа осон ювиладиган материаллардан ясалган, қопқоқли контейнерлар ўрнатилади.

#### **3-боб. Оромгоҳларда санитария-техника тизимини жойлаштиришга қўйиладиган талаблар**

12. Ичимлик ва хўжалик эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган совук ва иссиқ сувнинг сифати O'zDst 950:2011 «Ичимлик суви» талабларига мос келиши керак.

13. Совуқ ва иссиқ сув тизими ички қувурлари оромгоҳларнинг душ кабиналари, кир ювиш хоналари, тозалаш анжомларини сақлаш хоналари, қизларнинг шахсий гигиена хоналари, тиббий пункт, ички ва ташқи ҳожатхоналар, чиқиндиларни тўплаш майдонига ўтказилган бўлиши лозим. Бир кунлик битта ўрин учун сувнинг умумий эҳтиёжи (маиший гигиена талаблари учун ҳам) меъёри 130 литрни, шу жумладан иссиқ сув учун 40 литрни ташкил қиласди.

14. Сув олиш жойларида иссиқ сувнинг ҳарорати  $50^{\circ}\text{C}$  дан паст ва  $75^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлмаслиги лозим.

15. Душ кабиналари, ҳожатхона, очик ва ёпиқ сув ҳавзаларининг айланма йўлаклари, томошабинлар учун трибуна ҳамда кир ювиш хонасини тозалаш учун иссиқ ва совуқ сув тизимига уланган алоҳида жўмрак ўрнатилиши лозим.

16. Ҳожатхоналар билан жиҳозланган яшаш корпуслари, ошхона, маданий-маиший ва тиббий бинолар, душ кабиналари, кирхона, ички ва ташқи ҳожатхоналар ҳамда қўл ювиш жойлари оқава сув тизимига уланган бўлиши лозим.

Оқава сув тизими бўлмаган жойларда маҳаллий тозалаш иншоотлари (фильтр тизими) қурилиши лозим.

Канализация тизими бўлмаган оромгоҳларда ўрали (деворлари ва поли бетонланган) ҳожатхоналардан фойдаланишга рухсат берилади. Бетон ўраларнинг учдан икки қисми тўлганда маҳсус ассенизация машинаси ёрдамида тозаланади.

Чиқиндилари тупроққа сингиб кетадиган ўрали ҳожатхоналарни қуриш тақиқланади. Тозаланадиган ўрали ҳожатхоналарда оромгоҳдаги ҳар 10 та болага 1 та алоҳида бўлмалар кўзда тутилиши лозим.

17. Биноларни шамоллатиш ва ҳавони тозалаш ускуналаридан чиққан, оёқ ванналари, чўмилиш ҳавзалари ва душ кабиналаридан йиғилган сувлар майший оқава сув тизимига ёки канализация тизимига уланади. Сузиш ҳовузининг канализация тизими қувурларини улаш вақтида оқава сувлар сузиш ҳовузига қайта оқиб тушмаслиги инобатга олиниши зарур.

18. Асосий сув манбай очик сув ҳавзаси ва булоқлар бўлган оромгоҳлар учун сув тўпланадиган ва сақланадиган жойларни лойиҳалаштиришда куйидаги талаблар инобатга олиниши керак:

сув йиғиш (каптажлари) учун ҳожатхоналар, чиқиндихоналар, канализация тармоқлари, омборхоналар, ўғитлар ва пестицидлар омборлари томонидан ифлосланишдан ҳоли бўлган юқори баландликдан(камида 50 метр) жой танланиши;

сувни йиғиш (каптажлари) камерасининг деворлари ва туби сувни ўтказмайдиган шаклда бўлиб, ер усти сувларининг тошиши, музлашдан ҳимоялайдиган айвон ёки павильон шаклидаги ер усти иншоотлари билан жиҳозланиши;

сувни йиғиш (каптаж) камерасининг бўйи ердан камидан 0,8 метр баландликда кўтарилиб қопқоқли люк билан ёпилиши лозим. Тозаланган сувни олиш учун омборга сув жўмраги ўрнатилади.

Текшириш, тозалаш ва дезинфекция қилиш имкониятини таъминлаш учун сувни йиғиш (каптаж) камераси атрофи ёпиқ ҳолатда бўлиши керак.

19. Ошхоналарнинг ёзги (ёпик) овқатланиш заллари ва ишлаб чиқариш хоналари механик қўзгалувчан ҳаво тортувчи вентиляция билан жиҳозланиши лозим.

20. Барча душ кабиналари ва ҳожатхоналар ҳавони тортувчи алоҳида тизим билан жиҳозланиши лозим.

21. Оромгоҳларнинг хоналари табиий ёритилган бўлиши керак. Ошхона, маданий-маърифий, жисмоний ва соғломлаштириш хоналарида табиий ёритиш коэффициенти 1 фоиздан, турадж жой хоналарида эса 0,5 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

#### **4-боб. Оромгоҳларда тозалаш ишларининг олиб боришга қўйиладиган талаблар**

22. Оромгоҳларнинг тозалаш ишлари барча хоналарни кундалик намлаб тозалаш орқали, ювиш ёки дезинфекция воситаларидан фойдаланган ҳолда олиб борилади.

23. Оромгоҳларга болалар қабул қилинишидан аввал барча хоналар зарарсизлантириш ва ювиш воситалари ёрдамида умумий тозалашдан ўтказилиши лозим.

Түшаклар (матраслар, ёстиқлар, күрпалар) мавсум бошланишидан аввал дезинфекция камерасида заарсизлантирилади ҳамда ҳар смена бошланишидан олдин шамоллатилади ва қүёш нури остида қуритилади.

Юкумли касалликлар рўйхатга олинган тақдирда түшак буюмлари тиббиёт ходимининг (эпидемиологнинг) кўрсатмаларига мувофиқ заарсизлантирилади.

Ювениш, гигиена, кир ювиш хоналари, душ ва ҳожатхона деворлари, эшик туткичлари ҳар куни ювиш воситалари ёрдамида иссиқ сув билан тозаланади ва заарсизлантирилади, поллар эса ифлосланишига қараб заарсизлантирувчи эритмалар ёрдамида артиб турилади.

Ташқи ҳожатхоналарда тозалаш ишлари таркибида хлор сақловчи заарсизлантирувчи эритмалар ёрдамида амалга оширилади. Ёз мавсуми бошланишидан аввал ҳожатхона ўралари тозаланади ва куруқ хлор оҳак кукуни билан ишлов берилади (1 квадрат метр жойига 1 кг сарфланади).

Ҳожатхоналардаги унитазлар кунига 2 марта чўткалар ёрдамида ювиш воситалари билан тозаланади, сийдик ва кислота тузларидан тозалаш учун 2 фоизли хлорид кислота эритмаси ва бошқа воситалар ишлатилиши мумкин.

Маишӣ чиқинди кутилари (контейнерлар) ҳажмининг 2/3 қисми тўлганда улар бўшатилиши ва тозаланиши лозим. Дезинсекция ва дератизация тадбирлари фақат дезинфекция станцияси ходимлари томонидан олиб борилади.

24. Ётоқхона, ошхона, овқатланиш зали, тиббий пункт, душ кабиналарининг ҳар бири учун алоҳида тозалаш анжомлари (челаклар, тоғоралар, чўткалар, латталар ва бошқа инвентарлар) бўлиши ва алоҳида жойларда сақланиши лозим.

Ҳожатхоналар ва уларни полларини ювиш ва тозалаш анжомлари фарқ килувчи рангга эга бўлиши ва алоҳида сақланиши керак.

Ишлатилгандан сўнг барча тозалаш анжомлари 0,5 фоизли кальций гипохлорид ёки хлорамин эритмасида ювилади.

25. Оромгоҳлар ҳудуди ҳар куни эрталаб, болалар сайлидан 1-2 соат олдин, шунингдек ифлосланишига қараб тозаланади.

Кумдонлардаги қум бир ойда камида бир марта алмаштирилиши керак. Ҳар сменада бир марта қумни гижжа тухумлари билан ифлосланиш ҳолати лаборатория усулида текширилади.

26. Оромгоҳларда тоза чойшаблар, тоза ва заарсизлантирилган ўрин ашёлари (матраслар, ёстиқлар, кўрпалар) бир-биридан алоҳида хоналарда сақланиши лозим. Бир болага камида учта чойшаблар тўплами ва иккита кўрпа-тўшак тўплами (ёстиқ, матрас, адёл) бўлиши шарт.

Юз ва оёқ учун сочиқлар ифлосланиши биланоқ ёки камида беш кунда алмаштирилади. Тўшак ёпинчиқлари ҳар сменадан кейин ювилади. Барча кирлар оромгоҳдаги кир ювиш хонасида ёки марказлашган кир ювиш корхоналарида ювилади.

### **5-боб. Оромгоҳларда овқатланишни ташкил этишга оид талаблар**

27. Оромгоҳда фойдаланилайдиган ошхона жиҳозларининг минимал рўйхати мазкур санитария қоидаларининг [3-иловасида](#) белгиланган.

28. Болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида тавсия этиладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг рўйхати мазкур санитария қоидаларининг [4-иловасига](#) келтирилган.

29. Оромгоҳларда ветеринария хизмати томонидан ветеринария-санитария экспертизасидан ўтказилганилиги тўғрисидаги тегишли тамға (ёрик) босилган гўшт маҳсулотларидан фойдаланилади.

30. Оромгоҳда сут, тухум ва ўсимлик озиқ-овқат маҳсулотлари ветеринария хизмати томонидан берилган ветеринария-санитария экспертизаси хulosаси асосида қабул қилинади.

31. Оромгоҳ ошхонасига қадоги бузилган ёки яроқлилик муддати ўтиб кетган маҳсулотларни қабул қилиш мумкин эмас.

32. Етказиб берилган тез бузилувчи озиқ-овқат маҳсулотлари мазкур санитария қоидаларининг **5-иловасига** мувофиқ бракераж журналига қайд этиб борилиши лозим.

33. Оромгоҳларда фойдаланишга рухсат этилмайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар рўйхати мазкур санитария қоидаларининг **6-иловасида** белгиланган.

34. Тез бузилувчи маҳсулотлар келтирилганда озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини таъминловчи ҳамда ифлосланишдан сақловчи шароитда, усти ёпик бўлган идишларда ташилади.

Оромгоҳларга сифати тез бузиладиган маҳсулотларни етказиб беришда, юк хатида унинг юборилганига икки соатдан ўтиб кетганилиги аниқланса, бундай маҳсулотлар қабул қилиниши мумкин эмас.

35. Тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотлар мазкур санитария қоидаларининг **7-иловасида** белгиланган муддатларга мувофиқ сақланади.

36. Маҳсулотларнинг озуқавий қийматини сақлаш ҳамда овқатдан заҳарланишга йўл қўймаслик мақсадида таом тайёрлаш технологиясига тўлиқ амал қилиниши лозим.

Масалликлар таомнома асосида оғирлиги ўлчаниб, мазкур санитария қоидаларининг **8-иловасига** мувофиқ болалар учун тавсия этилган микдорларда қозонга солинади.

Донали маҳсулотлар (котлет, булочка ва бошқалар) тайёрланганда, уларнинг оғирлиги пиширишдан олдин тарозида тортилади. Тоблама (запеканка), омлет, рулетлар тайёр ҳолатида, таомномада кўрсатилган микдорда бўлакланади. Суюқ таомлар ҳажми маҳсус чўмичларда ўлчаб (мл. ҳисобида), гарнирнинг оғирлиги эса тарозида тортилиб тарқатилади.

Оромгоҳда тайёрланган ҳар бир таомдан тиббиёт ходими томонидан синама (таомдан намуна) олинниб, органолептик усули билан баҳоланганидан сўнг улар тарқатилади. Тайёр таом намуналари тиббиёт ходими назоратида бевосита таом тайёрланган қозондан олинади ва сақланади.

Кундалик бериладиган тайёр таомлар намунаси, бир порция ҳажмда стерилланган қопқоқли банкаларга тиббиёт ходими назоратида олинниб, ҳарорати +2 дан +6°C гача бўлган советкичда алоҳида ажратилган жойда сақланади.

37. Пиширилган ва арчилмаган сабзавотлар +2 +6°C ҳароратда 6 соатгача пиширилиб сақланниши, арчилган сабзавотлар эса 2 соатгача сақланниши мумкин.

38. Нон алоҳида ажратилган жавонларда сақланади. Жавон эшикларида ҳаво алмашиниши учун тирқишлири бўлади, нонни қабул қилишдан 1 соат аввал шкафнинг ичи 1 фоизли сирка кислотаси эритмаси билан артилади.

39. Гўштни майдалаш учун қаттиқ дараҳт навидан тайёрланган ёғоч бўлаги металл таглика ўрнатилиб, ташқи тарафи икки марта мойли бўёқда бўялади. Ишлатилгандан сўнг пичноқ билан тозаланиб, устига туз сепилади, (туз сақланадиган идиш гўштга ишлов бериш хонасида сақланади), ён атрофлари иссиқ сув билан ювилади, устки кисми нотекис бўлиб қолганда эса арралаб олиб ташланади.

40. Ишлатиш турига қараб тахтакач ва пичноқлар ХБ (хом балиқ), ХГ (хом гўшт), ХС (хом сабзавот), X (хамир), ПБ (пиширилган балиқ), ПС (пиширилган сабзавот), ПГ (пиширилган гўшт), Н (нон), Г (гастрономия маҳсулотлари) шаклида хом ва пишган маҳсулотлар учун алоҳида ажратилади.

41. Тахтакач ва пичноқлар сони етарли бўлиши керак. Ишлатилган тахтакачлар пичноқлар билан тозаланиб, ювиш воситалари ёрдамида иссиқ сувда ювилади. Қайнаб турган сувда зарарсизлантирилгандан сўнг тик ҳолатда иш жойларида ёки осилган ҳолда сақланади.

42. Ошхонада чинни, фаянс, мельхиор, сирланган (эмаль) ва зангламайдиган пўлат идишлардан фойдаланилади.

Ёрилган, чети учган ҳамда эмали кўчган идишлардан фойдаланилмайди.

43. Ҳар овқатланишдан сўнг идишлар юувучи моддалар билан ювилади ва зарарсизлантирилади.

44. Идиш ювадиган чўткалар, столни артадиган сочиқлар ўн беш дақиқа давомида қайнатилиши ёки ўн беш дақиқа давомида 0,5 фоизли хлор сақловчи зарарсизлантирувчи восита эритмасида зарарсизлантирилиши, қуритилиб, алоҳида жойда сақланниши лозим.

45. Озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш столлари яхлит металл, зангламайдиган пўлат ёки дюралюминий билан қопланади. Гўшт ва балиқ маҳсулотларига ишлов бериш учун столларнинг бурчаклари овалсимон ҳолатга келтирилган, рухланган темир билан хам қопланиши лозим. Хамир столининг юзаси эса текис, рандаланган, тешик ва ёриклари бўлмаган тахталардан ясалиши лозим.

46. Хом ва тайёр маҳсулотларга ишлов бериш учун алоҳида столлар, пичоқлар ва қаттиқ навли дараҳтлардан (эман, қорақайн, тол, қайн) тайёрланган, ёрикларсиз, силлиқ тахтакачлар ажратилади.

47. Ошхонадаги барча идишлар тахтакач, пластик ёки металлдан тайёрланган жавон (стеллаж)ларда сақланади.

48. Озиқ-овқат маҳсулотлари ташиладиган транспорт воситалари ҳар куни ҳайдовчи томонидан тозаланиши, шунингдек дезинфекция тадбирлари ўн кунда бир маротаба амалга оширилиши лозим.

49. Озиқ-овқат маҳсулотларини ташиб учун алоҳида идишлар белгиланади ва фақат шу мақсадда фойдаланилади.

50. Оддий ва полиэтилен клеёнкали қоплар, металл ва ёғоч қутилар, бидон, фляга ва бошқа идишлар бўшатилгандан сўнг тозаланиб, 2 фоизли сода эритмаси билан ювилади (1 литр сувга 20 грамм сода), кейин қайнаб турган сув билан зарарсизлантирилади ҳамда қуритилгандан сўнг тоза жойда сақланади.

51. Тез бузилувчи озиқ-овқатлар фақат совуткичларда ҳамда маҳсулотларни сақлаш муддатига амал қилган ҳолда қуйидаги тартибга риоя қилган ҳолда сақланади:

сариёғ идишларда ёки бўлакланган, пергамент қофозига ўралган ҳолда патнисларда сақланади;

пишлиқ йирик бўлаклари тоза ёғоч тагликларда устма-уст сақланишига рухсат этилади, шунда бўлаклар ораси картон қофози ёки фанер билан ажратилади;

сметана, творог металлдан ишланган флягаларда (ёки бочкаларда), кичкина қадоқларда совутиш камераларида сақланади;

сут қайнатилгунга қадар олиб келинган идишда совутиш камерасида сақланади;

тухум совутгичда +4 — +8°C шароитида 7 кундан ортиқ бўлмаган муддатда сақланади.

52. Ёрмалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар қуруқ хоналарда, тоза, қопқоғи ёпиладиган сифимларда, қопларда, картон қутиларда, полдан 15 — 20 см баландликда ҳамда девордан 20 см узоклиқда ўрнатилган тагликларда сақланади.

53. Сабзавот ва мевалар, сараланиб, қуруқ, шамоллатиладиган хонада полдан 20 см баландликдаги токча ва тагликларда сақланади.

54. Озиқ-овқат маҳсулотларини хўжалик моллари, идишлар ва бошқа маҳсулотлар билан бирга сақланиши тақиқланади.

55. Озиқ-овқат маҳсулотларига пазандачилик ишловини бериш умумий овқатланиш корхоналарига қўйилган талаблардаги таомномалар асосида амалга оширилади:

маҳсулотларнинг таъми ва витаминалар қиймати сақланиши учун ҳар бир таом алоҳида тайёрланади ва тайёр бўлган вақтидан бир соат ичида тарқатилади, сабзавотлар бевосита пиширишдан олдин тўғралади, қайнаб турган қозонга солиниб, витаминаларни сақланиши учун қопқоғи ёпик шароитда пиширилади, қўкатлар тайёр овқатни тарқатиш олдидан овқатга қўшилади ёки столга қўйилади, тозалangan картошка ишлатилишидан аввал совук, тузли сувда сақланади (бу муддат 2-3 соатдан ошмаслиги лозим);

салатлар учун сабзавотлар пўсти тозаланмасдан пиширилади, бу маҳсулотларни бир кун олдин пишириб қўйиш тақиқланади, салатларга ўсимлик ёғи бевосита тарқатишдан аввал солинган ҳолда аралаштирилади;

табиий ҳолда бериладиган сабзавотлар (бутун ёки салат ҳолатида) оқиб турган сувда яхшилаб ювилгандан сўнг, арчилади ва сеткаларда қайта ювилади (олдиндан арчилиб сувда сақлаш тақиқланади);

гүштли ёки балиқли фаршдан тайёрланадиган котлетлар, балиқ бўлаклари 3 — 5 минут давомида икки томонлама қовурилиб, 250 — 2800С ҳароратли шкафда 5 — 8 минут давомида пиширилади.

56. Оромгоҳлардаги болалар озиқ-овқат рационининг суткалик меъёрлари, таомларнинг вазни, маҳсулотларни алмаштириш мазкур санитария қоидаларининг [8, 9](#) ва [11-илловаларига](#) мувофиқ амалга оширилади.

57. Олдиндан қолган овқат қолдиқлари ёки муқаддам тайёрланган таомларни истеъмолга бериш тақиқланади.

58. Таом тайёрлаш технологияси бузилган, шунингдек термик ишлов берилиши бўлмаган таомлар аниқланиб, камчиликлари бартараф этилмагунча истеъмолга берилмайди ва мазкур санитария қоидаларининг [10-илловасида](#) келтирилган тайёр таомнинг бракераж журналига тегишли белги қўйилади.

59. Болалар ва ўсмирларнинг оқсил, ёғ, углеводлар ва энергияга бўлган физиологик эҳтиёжнинг тавсия этиладиган меъёрлари мазкур санитария қоидаларининг [11-илловасида](#) баён этилган. Оқсил, ёғ, углеводларнинг нисбати — 1:1:4 бўлиши керак.

60. Оқсилнинг 50 — 60 фоизи гўшт, балиқ, сут маҳсулотлари, тухум ҳисобига тўғри келиши керак, ёғнинг 20 фоизини тўйинмаган ёғ кислоталаридан ташкил топган ўсимлик ёғи ташкил қилиши керак.

61. Болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида кунига тўрт маҳал овқат берилиши лозим, бунда овқатланиш оралиғи тўрт соатдан ошмаслиги керак.

Кун давомидаги суткалик рацион нонушта (25 фоиз), тушлик (35 фоиз), иккинчи тушлик (15 фоиз) ва кечки овқат (25 фоиз) бўлган ҳолда тақсимланади.

62. Керакли озиқ-овқат маҳсулотлари бўлмаган тақдирда, мазкур санитария қоидаларининг [9-илловасига](#) мувофиқ бошқа озуқа турлари билан алмаштирилади.

63. Идишларни қўлда ювиш уч бўлмали ванналарда қўйидаги тартибда амалга оширилади:

а) аввал идишлар овқат қолдиқларидан тозаланади;

б) биринчи бўлмада идишлар ҳарорати  $50^0\text{C}$  сувда рухсат этилган юувучи воситалар ёрдамида чўткалар билан ювилади;

в) иккинчи бўлмада идишлар заарсизлантирувчи воситалар (хлор оҳаги, натрий гипохлорид) билан заарсизлантирилади;

г) учинчи бўлмада идишлар металдан ясалган сеткаларга солиб ваннада  $65^0\text{C}$  дан паст бўлмаган ҳароратдаги иссиқ сув билан чайилади;

д) ювилган идишлар маҳсус токча, панжара, қуритиш шкафлари ёки тирқишли патнисларда қуритилади.

64. Шиша идишлар қўйидаги тартибда ювилиши лозим:

а) овқат қолдиқларидан тозаланади;

б) биринчи бўлмада юувучи ва дезинфекция воситалари ёрдамида ювилади;

в) иккинчи бўлмада ҳарорати  $65^0\text{C}$  дан паст бўлмаган иссиқ сув билан чайилади;

г) панжара, маҳсус токча, тирқишли патнисларда қуритилади.

65. Қошиқ ва вилкалар қўйидаги тартибда ювилиши лозим:

а) овқат қолдиқларидан тозаланади;

б) биринчи бўлмада юувучи воситалар ёрдамида ювилади;

в) иккинчи бўлмада ҳарорати  $65^0\text{C}$  дан паст бўлмаган иссиқ сув билан чайилади;

г) ювилган анжомлар 2-3 дақиқа юқори ҳароратда пишириш шкафларда қиздирилади;

д) тоза асбоблар тикка, ушлагичлари юқори ҳолда металл ёки пластмассадан тайёрланган кассеталарда сақланади (кассеталар ҳар куни ювилади).

66. Ошхонада ишлатилган қозонлар ва идишлар қўйидаги тартибда ювилади:

таом тайёрлашда ишлатилган қозонлар ва идишлар икки бўлмали ҳажми белгиланган ванналарда ювилади;

қозонлар овқат қолдиқларидан тозалангандан сўнг чўткалар ёрдамида ювилади ва  $65 - 70^0\text{C}$  дан паст бўлмаган ҳароратли иссиқ сув билан чайилади.

67. Столлар совун ёки сода билан махсус ажратилган сочиқлар билан ювилади, эпидемиологик вазиятга қараб дезинфекция воситалари билан заарсизлантирилади, идишлар ювиладиган чўтка, сочиқча ишлатилгандан сўнг юувучи восита ёрдамида ювилади ва 15 дақиқа қайнатилади, заарсизлантириш учун 0,5 фоизли заарсизлантирувчи восита эритмасида 15 дақиқа сақланади.

68. Хоналарни тозалаш анжомлари (челаклар, пол тозалагич, юувучи латталар) белгиланиб, фақат ўзининг бўлинмасида ишлатилади (хом гўшт цехи, пишириш цехи, кондитер цехи, идишларни ювиш бўлими, овқатланиш зали ва х.к). Заарсизлантирувчи ва ювиш воситалари махсус ажратилган, қуёш нури тушмайдиган жойда сақланади.

69. Ошхонанинг барча хоналари ҳар куни тозаланади. Ишлаб чиқариш хоналаридаги ускуналар, столлар ҳар овқат берилгандан сўнг тозаланади.

70. Овқатланадиган столлар гигиеник қопламаларини ошхона ходимлари ҳар овқатланишдан сўнг артишлари лозим.

71. Электр ва газ ёқилғи билан таъминланишида узилишлар бўлганда овқатни махсус ажратилган майдончадаги ёзги ошхонада тайёрлаш мумкин, бунда майдончанинг усти ва атрофи шамолдан ҳимояланиши зарур.

72. Ўтинлар қозондан 5 — 10 метр узоқликдаги масофада ёриб тайёрланади.

#### **6-боб. Оромгоҳнинг жисмоний тарбия ва спорт иншоотлари ҳудудига қўйиладиган санитария талаблари**

73. Спорт майдончаларининг юзаси текис, сув йиғилмайдиган, чангланмайдиган, ёмғир ёққанда ва намланганда бузилмайдиган, болаларни шикастланишга олиб келмайдиган қопламалардан ишланиши лозим. Спорт майдончаларининг сатхи мазкур санитария қоидаларининг **12-иловасига** мувофиқ бўлиши лозим.

74. Очиқ спорт майдончалари ҳудудини тозалаш учун сув кранлари бўлиши керак.

75. Очиқ спорт иншоотлари ҳудуди бевосита сув ичиш фавворалари, душ мосламалари ва ҳожатхоналар билан таъминланиши лозим.

76. Сузиш ҳовузининг деворлари, пастки қисми, ички юзаларининг материали ва қопламаси сув ўтказмайдиган, мустаҳкам, эрозияга, кимёвий воситаларга чидамли бўлиб, шунингдек тозалаш ва заарсизлантириш учун қулай бўлиши лозим.

Сузиш ҳовузининг туби ва деворларининг юзаси силлиқ ва сирпанмайдиган бўлиши керак.

77. Сузиш ҳовузининг айланма йўллари ва душ кабиналари вақти-вақти билан сувда ювиб турилиши лозим.

Сузиш ҳовузида кундалик тозалаш ишлари ҳар куни, болаларни чўмилиши тугаганидан сўнг амалга оширилади. Поллар, шкафлар, скамейкалар совунли иссиқ сув билан ёки 2 фоизли кальцийли сода эритмаси ёрдамида ва бошқа ювиш воситалари билан ювилади.

Ялпи тозалаш ишлари ҳар сменада камида бир маротаба амалга оширилади. Ялпи тозалаш вақтида ҳовуз суви тўқилади ва барча хоналар яхшилаб тозаланади. Ванна, кафелли поллар совунли ва содали эритма билан яхшилаб тозаланиб, заарсизлантирувчи воситалар билан заарсизлантирилади.

78. Сузиш ҳовузидаги сувни заарсизлантириш дезинфекция воситалари ёрдамида амалга оширилади. Заарсизлантирилган сувдаги хлорнинг қолдиқ миқдори 0,3-0,5 мг/л бўлиши белгиланган.

Тунги вақтда қолдиқ хлор миқдорининг 1 мг/л гача оширилишига йўл қўйилади. Хлораторлар учун кириш жойида алоҳида хона ажратилади.

79. Сузиш ҳовузининг суви ифлосланган тақдирда ифлосланиш сабаблари аниқланади, сув тўлиқ оқизиб юборилиб, сузиш ҳовузи совунли сода эритмаси билан яхшилаб ювилади ва заарсизлантирилади.

80. Оромгоҳларнинг кун тартиби мазкур санитария қоидаларининг **13-иловасига** мувофиқ, болаларнинг ёшига қараб ташкиллаштирилади.

81. Мазкур санитария қоидаларини ишлаб чикувчилар рўйхати **14-иловада** келтирилган.

**Болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига қўйиладиган санитария-гигиеник талабларга  
1-ИЛОВА**

**Питомник ва оромгоҳ оралиғидаги санитария-химоя минтақасининг масофаси**

Химоя масофаси	Жониворларни сони (бош)				
	корамол, бузоқ	қўй, эчки	қуён	парранда	от
20 м	2/5	15	20	50	5
40 м	8/15	25	50	75	15
75 м	80/50	100	100	150	100
150 м	50/150	250	200	500	250

**Болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига қўйиладиган санитария-гигиеник талабларга  
2-ИЛОВА**

**Болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари қурилмалари ва уларнинг майдони**

Биноларнинг номи	Майдони, м <sup>2</sup>
<b>Маъмурий бинолар</b>	
Бинолар маъмурий гурухининг таркиби ва майдони амалдаги қурилиш меъёр ва қоидаларига мувофиқ оромгоҳдаги жойлар сонига нисбатан аниқланади.	
<b>Яшаш жойлари</b>	
Ётоқ хоналари	бир ўрин учун 4 м <sup>2</sup>
Кундузги хоналар	ҳар бир гуруҳга 1 хона, 1 ўринга 0,9 м <sup>2</sup> ҳисобидан
Тарбиячи хонаси	9 м <sup>2</sup>
<b>Санитария-гигиена бинолари</b>	
Юваниш хоналари оёқ ювиш жиҳозлари билан (ўғил болалар ва қизлар учун алоҳида )	10 та болага битта қўл ювгич, битта оёқ ювиш жиҳози
Хожатхона (ўғил болалар ва қизлар учун алоҳида)	15та қиз болалар учун 1-та унитаз, 20 та ўғил болалар учун 1-та писсуар ва 1та унитаз
Қизларнинг шахсий гигиена хонаси	сатҳи 4 м <sup>2</sup> миқдорида: хожатхона, душ, қўл ювгич жиҳозлари билан таъминланади
Душ (ўғил болалар ва қизлар учун алоҳида)	Бир гуруҳга 2 та хона, 20 та болалар учун битта оёқ ювиш ваннаси (майдони 1,5 м <sup>2</sup> ҳисобидан)
Душ кабиналарида кийиниш хоналари (ўғил болалар ва қизлар учун алоҳида)	2 та хона, ҳар 20 та болага майдони 3 м <sup>2</sup> ҳисобланади
<b>Маиший хоналар</b>	
Қуритиш шкафлари жойлашган айвончалар	Бир ўринга 0,8 м <sup>2</sup> майдони ҳисобидан 1 бўлимга 1 та хона ажратилиади.

Болалар буюмларини сақлаш учун хона	майдон нормаси 0,2 м <sup>2</sup> бўлган ҳар бир гурухга 1 хона миқдорида
Дазмоллаш ва тозалаш хонаси (болалар учун)	1 та секция учун 0,2 м <sup>2</sup> бўлган 1 та хона
Кир ювиш хонаси	ҳар бир ўринга 0,08 м <sup>2</sup> миқдорида
Дазмоллаш хонаси	камида 2 м <sup>2</sup>
Ходимлар (хизмат кўрсатувчи ходимлар) учун ётоқхона	киши бошига 6 м <sup>2</sup> миқдорида, ходимлар сони — 3-4 киши
Кирлар учун хона	камида 8 м <sup>2</sup>
<b>Болалар учун хизмат хоналари</b>	
Ошхона	ҳар бир жойга 1,0 м <sup>2</sup> дан кам бўлмаган миқдорда
Ошхона олдидаги қўл ювиш жойи	25 та ўрин учун 1 та қўл ювгич 1та болага 0,04 м <sup>2</sup> хисобидан
Ўғил болалар ва қизлар учун санитария-техник воситалар (ошхонада)	50 та қиз бола учун 1 та унитаз 75 та ўғил бола учун 1 та унитаз ва 1 та писсуар
Тозалаш ускуналарига ишлов бериш ва сақлаш учун хона	майдони — 4 м <sup>2</sup>
<b>Ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари</b>	
Таом тарқатиш хонасида	29 м <sup>2</sup> дан 54 м <sup>2</sup> тacha, ўриндиқлар сони 300 дан 600 гача ва ундан кўп
Тиббий пунктга хизмат кўрсатиш учун	камида 8 м <sup>2</sup>
Иссиқ цех	куватига қараб 60 м <sup>2</sup> дан 80 м <sup>2</sup> тacha
Совуқ цех	камида 12 м <sup>2</sup>
Гўшт ва балиқ цехи	куватига қараб 18 м <sup>2</sup> дан 22 м <sup>2</sup> тacha
Сабзавотлар цехи ва кўкатларга ишлов бериш цехи	куватига қараб 10 м <sup>2</sup> дан 12 м <sup>2</sup> тacha
Ун маҳсулотлар цехи	камида 16 м <sup>2</sup>
Сабзавотларга бирламчи ишлов бериш цехи	куватига қараб 12 м <sup>2</sup> дан 15 м <sup>2</sup> тacha

Тухумларга бирламчи ишлов бериш цехи	камида 6 м <sup>2</sup>
Нонни кесиш хонаси	камида 12 м <sup>2</sup>
Таом идишларини ювиш хонаси	куватига қараб 28 м <sup>2</sup> дан 40 м <sup>2</sup> гача
Ошхона цехлари идишларини ювиш хонаси	куватига қараб 12 м <sup>2</sup> дан 16 м <sup>2</sup> гача
Бош ошпаз хонаси	камида 6 м <sup>2</sup>
<b>Озик-овқат маҳсулотларини қабул қилиш ва сақлаш хоналари</b>	
Совутгич камералари:	
сүт маҳсулотлари, ёвлар ва гастрономия	куватига қараб 9 м <sup>2</sup> дан 12 м <sup>2</sup> гача
мевалар, резаворлар, ичимликлар	камида 7 м <sup>2</sup>
гүшт, балиқ	куватига қараб 8 м <sup>2</sup> дан 12 м <sup>2</sup> гача
Чикиндилар учун	камида 5,5 м <sup>2</sup>
Куруқ маҳсулотлар омборхонаси	камида 12 м <sup>2</sup>
Сабзавотлар омборхонаси	камида 12 м <sup>2</sup>
Кундалик маҳсулотларни сақлаш хонаси	камида 20 м <sup>2</sup>
Тоза идишлар омборхонаси	камида 11 м <sup>2</sup>
Идишларни ювиш ва сақлаш хонаси	камида 6 м <sup>2</sup>
Анжомларни сақлаш хонаси	камида 10 м <sup>2</sup>
<b>Маший-хизмат кўрсатиш хоналари</b>	
Ходимларнинг кийиниши хоналари	куватига қараб 18 м <sup>2</sup> дан 32 м <sup>2</sup> гача
Ходимлар хонаси	камида 12 м <sup>2</sup>
Душ кабиналари, хожатхоналар, аёлларнинг шахсий гигиена хонаси	камида 12 м <sup>2</sup>

тозалаш анжомларини сақлаш хонаси	4 м <sup>2</sup> дан кам бўлмаслиги керак
Тоза маҳсус кийим учун хона	камида 6 м <sup>2</sup>
Ифлосланган кийим учун хона	камида 5 м <sup>2</sup>
Заرارсизлантирувчи воситаларни тайёрлаш хонаси	камида 3 м <sup>2</sup>
Тозалаш анжомларни сақлаш хонаси	камида 3 м <sup>2</sup>
<b>Кўнгилочар ва оммавий бинолар</b>	
Томошибинлар зали	бир жойга 0,65 м <sup>2</sup> миқдорида, оромгоҳдаги жойларнинг 60 фоиз
Артистлар учун хона	камида 10 м <sup>2</sup>
Артистлар учун ҳожатхона	камида 3 м <sup>2</sup>
Кинопроекция хонаси	камида 27 м <sup>2</sup>
Фойе, ўйин ва кўргазма зали	залдаги ҳар бир ўринга 0,6 м <sup>2</sup> миқдорида
Рақс зали (ўйин майдончаси)	ҳар бир ташриф буюрувчига 1,5 м <sup>2</sup> миқдорида, оромгоҳдаги жойларнинг 20 фоизи
Тозалаш анжомларини сақлаш хонаси	камида 4 м <sup>2</sup>
Ҳожатхоналар (ўғил ва қиз болалар учун алоҳида)	куватига қараб 12 м <sup>2</sup> дан 18 м <sup>2</sup> гача
Эстрада учун универсал ёпиқ майдонча	Иситилмайдиган қувватига қараб 60 м <sup>2</sup> дан 80 м <sup>2</sup> гача
Артистлар хонаси	камида 20 м <sup>2</sup>
Эстрада иштирокчилари учун ҳожатхона	3 м <sup>2</sup> дан кам бўлмаган ҳожатхона, 1 та қўл ювгич билан
Жиҳозлар, костюмларни сақлаш учун омбор	1 та томошибин ўрни учун 0,05 м <sup>2</sup> миқдорида
<b>Кутубхона ва ўйинлар хонаси</b>	
Кутубхона	куватига қараб 30 м <sup>2</sup> дан 50 м <sup>2</sup> гача
Ўйинлар хонаси	Кувватига қараб 15 м <sup>2</sup> дан 25,0 м <sup>2</sup>

Болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига қўйиладиган санитария-гигиеник талабларга

### 3-ИЛОВА

## **Оромгоҳ ошхоналари жихозларининг тавсия этилган минимал РҮЙХАТИ**

Ишлаб чиқариш хонасининг номи	Ускуналар
Омборлар	Стеллаж, тагликлар, совутиш шкафлари ва музлатгичлар
Сабзавотлар цехи	Ишлаб чиқариш столлари (камида иккита), картошка тозалаш машинаси, ювиш ванналари (камида иккита), қўл ювгич
Совуқ цех	Ишлаб чиқариш столлари (камида иккита), назорат тарозиси, хом тортиладиган сабзавотларни, қўкатларни, меваларни ювиш учун ванна, қўл ювгич
Гўшт ва балиқ цехи	Ишлаб чиқариш столлари (гўшт, балиқ, паррандалар гўштини майдалаш учун) (камида учта), назорат тарози, гўшт майдалагич, тўнка, ювиш ванналари (камида иккита), қўл ювгич
Тухумларга ишлов бериш хонаси	Ишлаб чиқариш столи, учта ювиш ваннаси (сифимлар, ғовакли сифимлар), ювилган тухум учун идиш, қўл ювгич
Хамир цехи	Ишлаб чиқариш столлари (камида иккита), хамир машинаси, назорат тарозиси, пишириш шкафи, (стеллаж), ювиш учун ванна, қўл ювгич
Нонни кесиш хонаси	Ишлаб чиқариш столи, нонни кесиш машинаси, нонни сақлаш учун жавон, қўл ювгич.
Иссик цех	Ишлаб чиқариш столлари (камида иккита: хом ва пишган маҳсулот учун), электрплита, электртрова, қовуриш шкафи, электрқозон, назорат тарозиси, қўл ювгич
Тарқатиш жойи	Биринчи, иккинчи ва учинчи таомлар учун мармитлар.
Идишларни ювиш учун хона	Ишлаб чиқариш столи, идишларни ювиш машинаси, идишларни ювиш учун 3 бўлмали ванна, чой идишларини ювиш учун 2 бўлмали ванна, жавон ёки панжара, қўл ювгич
Ошхона идишлари ҳамда буюмларини ювиш хонаси	Ишлаб чиқариш столи, иккита ювиш ваннаси, токча, қўл ювгич, озиқ-овқат чиқиндиларини йиғиш учун сифим
Ташиб идишларини ювиш хонаси	Икки секцияли ювиш ваннаси
Ходимларнинг овқат хонаси	Иш столи, электрплита, музлатгич, шкаф, юваниш ванна, қўл ювгич

Болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига қўйиладиган санитария-гигиеник талабларга  
4-ИЛОВА

## **Болаларни согломлаштириш оромгоҳларида тавсия этилган озиқ-овқат маҳсулотларининг**

### **РҮЙХАТИ**

1. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари:  
I категорияли мол гўшти,  
бузоқ гўшти, қуён гўшти,  
ёғсиз қўй гўшти (хафтада 2 мартадан кўп бўлмаган),  
парранда гўшти  
балиқ;  
товуқ тухумлари омлет ёки қайнатилган ҳолда.
2. Сут ва сут маҳсулотлари:

сүт (ёғлилик даражаси 2,5-3,2-3,5 фоиз), пастеризацияланган, стерилланган, курук; қюолтирилган сүт (тоза ва шакар аралаштирилган ҳолда), қюолтирилиб-пиширилган сүт;

творог (ёғлилик даражаси 9 ва 18 фоизли; агар ёғлилик даражаси унчалик баланд бўлмаса — 0,5 фоизли);

пишлөк (қаттиқ, юмшоқ);

термик қайта ишланганидан кейинги қаймоқ (ёғлилик даражаси 10, 15, 30 фоиз);

кефир (қатиқ);

қатиқ (ряженка), бифидок ва бошқа сүт маҳсулотлари;

қаймоқ (ёғлилик даражаси 10, 20 ва 30 фоиз).

### 3. Озиқ-овқат ёғлари:

сариёғ;

ўсимлик ёғи (кунгабоқар, фақат доғланган пахта ёғи);

салатларга, винегретлар, сельд балиғи, иккинчи таомлар салат ёғи;

пишириклар учун маргарин; қовуриш учун фақат олий навли ёғлар.

### 4. Қандолат маҳсулотлар:

конфетлар (зефир, қиём, мarmelad), шоколад ҳафтасига бир мартадан ошмаслиги керак;

қотирилган кулча нон (галета), пишириқ, крекер, вафли, кекс (там берувчи моддаларсиз);

пишириклар, тортлар (уваланадиган хамирли ва бисквитли, кремсиз);

қиём, мураббо, повидло, корхонада қадоқланган асал.

### 5. Сабзавотлар:

картошка, карам, гулкарам, сабзи, лавлаги, бодринглар, помидорлар, қовоқ, кулчақовоқ (патиссон), пиёз, саримсоқ пиёз (кичик мактаб ёшидаги болалар учун чекланган миқдорда), петрушка (кашничсимон кўкат), шивит, сельдерей (кашничсимон ошкўк), томат пастаси.

### 6. Мевалар:

олма, нок, олхўри, узум ва бананлар;

ҳар кимнинг истеъмол қила олиш қобилиятига қараб цитрусли мевалар (апельсин, мандарин, лимон);

қуритилган мевалар;

### 7. Дуккаклилар:

нўхат, ловия, соя, мош.

### 8. Шарбат ва ичимликлар:

табиий шарбатлар, ишлаб чиқарилган ичимликлар (тиникалаштирилган ва қўйкали), имкон қадар кичик қадоқда;

консервантларсиз ва қўшимча моддаларсиз ишлаб чиқариш туридаги витаминли ичимликлар;

какао, чой;

ичимлик суви.

### 9. Консервалар:

гўштли консерва;

консерва овқатлари (гўштли рассольник, мол гўштли карам шўрва, мол гўштли гречка каби табиий маҳсулотлар бўлмаганда истисно тарзида);

лосось (қизил гўштли балиқ), сариёғда қовурилган скумбрия балиғи;

шарбатлар, мева бўлаклари, бақлажон ва қовоқча икраси;

стерилланган помидор ва бодринглар.

нон, ёрма, макарон маҳсулотлари — барча турлари чекланмаган миқдорда.

## Озиқ-овқат маҳсулотлари хом ашёси сифатининг бракераж журнали

<b>Озиқ-овқат маҳсулотлари, хом ашё олиб келинган сана ва соати</b>	<b>Озиқ-овқат маҳсулотлари номи</b>	<b>Олиб келинган озиқ-овқат маҳсулотлари, хом ашёси микдори (килограмм, літр ва донада)</b>	<b>Қабул қилинган озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигини тасдиқловчи хужжат рақами</b>	<b>Олиб келинган озиқ-овқат маҳсулотларининг хом ашёси органолептик баҳоси натижалари</b>	<b>Озиқ-овқат маҳсулотлари хом ашёсидан фойдаланишниң сүнгти муддати</b>
1	2	3	4	5	6

**Болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига қўйиладиган санитария-гигиеник талабларга  
6-ИЛОВА**

### **Оромгоҳларда рухсат этилмайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар**

#### **РУЙХАТИ**

1. Гўшт қўшилган, майонез, кетчуп ва орасига сабзавотли салатлар солинган нон маҳсулотлари (гамбургер, чизбургер ва хот-доглар).
2. Сунъий таъм, ҳид берувчи моддалар, бўёқлар, ароматизаторлар қўшилган қандолатчилик маҳсулотлари.
3. Сунъий консервантлари бор маҳсулотлар (кириешки, хрустяшки).
4. Чипслар.
5. Рангли ва рангсиз газланган ичимликлар.
6. Яроқлилик муддати тугаган ва сифатсиз бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари.
7. Бир кун олдин тайёрланган ва қолиб кетган овқатлар.
8. Эскирган, сифати бузилган сабзавотлар.
9. Ветеринария назоратидан ўтмаган гўшт, балиқ, паррандалар.
10. Жигар, тил ва юрақдан ташқари барча калла почалар.
11. Ичак-чавоқлардан тозаланмаган парранда.
12. Ташки қавати тоза бўлмаган, синган, шунингдек, сальмонеллёзга хавфли деб топилган хўжаликлардан олинган тухумлар.
13. Бонкаларнинг герметиклиги бузилган, бонкаси шишган, занглаган, шакли ўзгарган, ёслиги бўлмаган ва ишлаб чиқариш вақти ҳамда яроқлилик муддати белгиланмаган консервалар.
14. Турли аралашмалар билан ёки омбордаги зааркунандалар билан заарланган ёрма, ун, қуритилган мевалар ва бошқа маҳсулотлар.
15. Уй шароитида тайёрланган барча озиқ-овқат маҳсулотлари.
16. Кремли қандолат маҳсулотлари.
17. Холодец, парранда ва ҳайвонлар туёғидан тайёрланган ҳамда калла гўшли рулетлари, ўпка-жигардан ва ички орган маҳсулотларидан қилинган колбасалар.
18. Пастеризация қилинмаган (флягадаги) творог, термик ишлов берилмаган, идишда сақланган творог ва қаймоқ.
19. Қўлбола қатиқ.
20. Қўзиқоринлар ва улардан тайёрланган маҳсулотлар.
21. Квас.
22. Эпизоотик нохуш хўжаликлардан олинган, шунингдек, дастлабки ишлов берилмаган ва пастеризация қилинмаган сут ва сут маҳсулотлари.
23. Хом дудланган гўшти гастрономик маҳсулотлар
24. Иссиқлик билан ишлов берилмаган гўшт, парранда, балиқдан тайёрланган таомлар.

25. Сирка, хантал, хрен, ўткир қалампир (қизил, қора) ва бошқа ўткир зираворлар.
26. Ўткир таъмли соуслар, кетчуплар, майонез, консервалар, маринадланган сабзавот ва мевалар.
27. Табиий кофе, тетиклантирувчи ва қувватни оширувчи энергетик ичимликлар, алкоголь.
28. Пазандалик мойлари, чўчқа ёғи, гидроген ёғлар.
29. Данакли меваларнинг мағзи.
30. Сақич.
31. Қимиз ва таркибида этанол бўлган (0,5 фоиздан ортиқ) бошқа ачитилган сутли маҳсулотлар.
32. Ичига сардина қўшиладиган (гўштли ва балиқли) таомлар, қийма ёки эзилган сельд балиғидан картошка қўшиб тайёрланган овқат.
33. Мева ва резаворлардан тайёрланган яхна ичимликлар ва морслар (термик ишловсиз).
34. Окрошка ва совуқ шўрвалар.
35. Қиймали макарон (макароны по флотски), тўғралган тухумли макарон.
36. Ёғда чала қовурилган тухум.
37. Паштет, гўшт ва творогли қўймоқлар.
38. Тез тайёрланадиган қуруқ озиқ-овқат концентратлар асосидаги биринчи ва иккинчи таомлар.

**Болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига қўйиладиган санитария-гиеник талабларга  
7-ИЛОВА**

**Тез бузиладиган маҳсулотларни сақлаш муддати**

<b>Маҳсулот номи</b>	<b>+2°C дан +6°C гача ҳароратда сақлаш ва ишлатиш муддатлари (соат)</b>
Йирик бўлакли гўшт ярим тайёр маҳсулотлар	48
Музлатилган жигар	48
Совутилган жигар	24
Парранда гўшти	48
Музлатилган парранда гўшти	72
Пастеризацияланган сут, қаймоқ	36
Кефир	36
Ёғли творог, ёғсиз, парҳезли	36
Сметана	72
Пишлиқ	48
Тухум	7 сутка
Совутилган балиқларнинг барча турлари	0 — 2°C ҳароратда 24 соат
Қайнатилган тозаланмаган сабзавотлар	6

**Болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига қўйиладиган санитария-гиеник талабларга  
8-ИЛОВА**

**Болалар учун тавсия этилган таомлар вазни (грамм)**

	<b>1 порциянинг вазни</b>	
	7 — 10 ёш	11 — 18 ёш

<b>Нонушта</b>		
Ёрма ёки сабзавотли бүткә	300	300 — 400
Қаҳва (чой, какао)	200	200
<b>Тушки овқат</b>		
Салат	60 — 80	100 — 150
Шүрва	300 — 400	400 — 450
Гүшт, котлет	100 — 120	100 — 120
Гарнир	150 — 200	180 — 230
Компот ва бошқалар.	200	200
<b>2-тушки овқат</b>		
Кефир (сут, )	200	200
Печенье/Пишириқ	40/100	40/100
Мева	100	100
<b>Кечки овқат</b>		
Сабзавотли таом, бүткә	300	400
Чой ва бошқалар	200	200

Болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига қўйиладиган санитария-гигиеник талабларга  
9-ИЛОВА

### Айрим озиқ-овқат маҳсулотларининг ўзаро алмаштириш меъёrlари

Махсулот номи	Микдор (грамм)	Кимёвий таркиби			Кундалик рационга қўшиш ташлаш
		оқсиллар (г)	ёғ (г)	углеводлар (г)	
<b>Нонни алмаштириши (оқсиллар ва углеводлар учун)</b>					
1-навли ундан буғдой нони	100	7.6	0.9	49.7	
Оддий шаклдаги жавдар нони	150	8.3	1.5	48.1	
1 навли буғдой уни	70	7.4	0.8	48.2	
Макарон, 1 навли вермишел	70	7.5	0.9	48.7	
<b>Картошкани алмаштириши (углевод)</b>					
Картошка	100	2.0	0,4	17.3	
Лавлаги	190	2.9	-	17.3	
Сабзи	240	3.1	0,2	17.0	
Оқ карам	370	6,7	0,4	17.4	
Макарон, 1 навли вермишел	25	2.7	0,3	17.4	
Маний ёрмаси	25	2.8	0,2	17.9	
Буғдой нони 1 нав	35	2.7	0,3	17.4	
Оддий шаклдаги жавдар нони	55	3.1	0.6	17.6	
<b>Янги олмаларни алмаштириши (углеводлар бўйича)</b>					

Янги олма	100	0,4	-	9.8	
Куритилган олма	15	0,5	-	9.7	
Куритилган ўрик (уругсиз)	15	0.8	-	8.3	
Олхўри	15	0,3	-	8.7	
<b>Сутни алмаштириши (оқсил бўйича)</b>					
Сут	100	2.8	3.2	4.7	
Ёғсиз творог	20	3.3	1.8	0,3	
Ёғли творог	20	2.8	3.6	0.6	
Пишлоқ	10	2.7	2.7	-	
I категорияли мол гўшти	15	2.8	2.1	-	
<b>Гўштни алмаштириши (оқсил)</b>					
I категорияли мол гўшти	100	18.6	14.0	-	
Ёғсиз творог	110	18.3	9.9	1.4	ёF +4 г
Ёғли творог	130	18.2	23.4	3.7	ёF — 9 г
Балиқ	120	19.2	0.7	-	ёF +13 г
Тухум	145	18.4	16.7	1.0	
<b>Балиқни алмаштириши (оқсил билан)</b>					
Балиқ	100	16.0	0.6	1.3	
I категорияли мол гўшти	85	15.8	11.9	-	ёF — 11 г
Ёғли творог	115	16.1	20.7	3.3	ёF — 20 г
Тухум	125	15.9	14.4	0.9	ёF — 13 г
<b>Творогни алмаштириши (оқсил)</b>					
Ёғли творог	100	16.7	9.0	1.3	
I категорияли мол гўшти	90	16.7	12.6	-	ёF-3 г
Балиқ	100	16.0	0.6	-	ёF-9 г
Тухум	130	16.5	15.0	0.9	ёF-5 г
<b>Тухумни алмаштириши (оқсил билан)</b>					
Тухум 1 дона	40	5.1	4.6	0,3	
Ёғсиз творог	30	5.0	2.7	0,4	
Ёғли творог	35	4.9	6.3	1.0	
Пишлоқ	20	5.4	5.5	-	
I категорияли мол гўшти	30	5.6	4.2	-	
Балиқ	35	5.6	0.7	-	

Болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига қўйиладиган санитария-гигиеник талабларга  
10-ИЛОВА

### Тайёр таомнинг бракераж журнали

Таомнинг тайёрланиш вақти ва соати	Намуна олинган вақти	Таомнинг номи	Тайёр маҳсулотни органолептик баҳолаш натижалари	Таом, пазандачилик маҳсулотини истеъмолга руҳсат этиш	Сифатига баҳо бериш комиссияси аъзоларининг имзоси	Изоҳ*
1	2	3	4	5	6	7

Изох \*Таёр маҳсулотни истеъмол килишга йўл қўйилмаганлиги сабаблари кўрсатилади.

Болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига қўйиладиган санитария-гигиеник талабларга  
11-ИЛОВА

### Оромгоҳлардаги озиқ-овқат рационининг суткалик меъёrlари

Т/р	Маҳсулот номи	Оромгоҳ тури									
		стационар оромгоҳ					санаторий типидаги оромгоҳ				
		грамм	оқсил	ёғ	углевод	ккал	грамм	оқсил	ёғ	углевод	ккал
1.	Буғдой нони 1-навли	400	30,4	3,6	199	904	350	26,6	3,15	174,1	800
2.	Буғдой уни 1-навли	10	1,06	0,1	7,32	32,9	20	2,12	0,26	14,64	100
3.	Картошка уни	8	0,008	-	6,36	23,92	8	0,008	-	6,36	100
4.	Ёрмалар	30	3,2	0,38	22,4	99,9	30	3,2	0,38	22,4	100
5.	Макарон маҳсулотлари	45	4,84	0,58	33,36	149,85	45	4,84	0,58	33,36	100
6.	Шакар	45	-	-	44,91	168,3	55	-	-	54,89	100
7.	Қандолат маҳсулотлари	25	10,85	2,5	19,05	102,25	25	10,85	2,5	19,05	100
8.	Сариёғ	45	0,27	37,125	0,405	336,6	45	0,27	37,125	0,405	100
9.	Ўсимлиқ ёғи	15	-	14,985	-	134,85	20	-	19,98	-	100
10.	Сут ва сут маҳсулотлари	500	14,0	16,0	23,5	290	600	16,8	19,2	28,2	100
11.	Сметана	10	0,28	2,0	0,32	20,6	20	0,56	4,0	0,64	100
12.	Творог	40	6,68	3,6	0,52	62,4	60	10,02	5,4	0,78	100
13.	Пишлок, бринза	10	2,34	3	-	37,1	10	2,34	3	-	100
14.	Гўшт, парранда	160	22,02	13,76	-	211,2	200	26,56	17,2	-	100
15.	Балиқ	60	4,08	0,36	-	18,0	60	4,08	0,36	-	100
16.	Тухум (дона)	1	5,52	5,52	0,32	62,8	1	5,0	5,52	0,32	100
17.	Картошка	350	7	0,35	68,95	290,5	400	8	0,4	78,8	100
18.	Сабзавотлар	400	7,2	-	21,6	112,0	450	8,1	-	24,3	100
19.	Мева, резаворлар, шарбатлар, витаминлар билан бойитилган ичимлик	100	0,4	-	11,1	46,0	150	0,6	-	16,95	100
20.	Қуруқ мевалар, шу жумладан наъматак 5 гр	15	0,48	-	10,2	40,95	10	0,32	-	6,8	100
21.	Чой	0,2	0,04	-	0,012	0,218	0,5	0,1	-	0,03	100
22.	Какао	2,5	0,6	1,0	0,68	9,3	3,5	0,84	1,4	0,9	100
23.	Йодланган туз	10	-	-	-	-	10	-	-	-	100

24.	Хамиртуруш	2	0,25	0,008	0,16	1,7	2	0,25	0,008	0,16
25.	Томат пастаси	5	-	-	-	-	-	-	-	-
<b>ЖАМИ:</b>			<b>103,78</b>	<b>109,1</b>	<b>469,83</b>	<b>3205,4</b>		<b>124,3</b>	<b>124,3</b>	<b>482,34</b>

Болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига қўйиладиган санитария-гигиеник талабларга  
12-ИЛОВА

### Спорт майдонларининг сатҳи

Майдоннинг тури	Оромгоҳдаги ўринларга мос м <sup>2</sup> майдон			
	160 — 240 ўрин	320 — 400 ўрин	480 — 500 ўрин	640 — 800 ўрин
Спорт ядроси (футбол майдони, югуриш йўлаги, узунлик ва баландликка сакраш чукурлари)	1150	1150	1150	1150
Волейбол (баскетбол) майдони	360	720	720	1440
Бадминтон ва стол тенниси корти	240	480	560	720
<b>Жами:</b>	<b>1750</b>	<b>2350</b>	<b>2430</b>	<b>3310</b>

Болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига қўйиладиган санитария-гигиеник талабларга  
13-ИЛОВА

### Тавсия этилган кун тартиби

Кундалик фаолият турлари	7 — 9 ёшли болалар учун	10 — 18 ёшдаги болалар учун
Ўринларни тартибга келтириш	7:00-7:15	7:00-7:15
Эрталабки гимнастика	7:15-7:45	7:15-7:45
Юваниш	7:45-8:00	7:45-8:00
Умумий оромгоҳ сафланиши	8:00-8:30	8:00-8:30
Нонушта	8:30-9:30	8:30-9:30
Гурухлар, тўғараклар иши, болаларнинг фойдали ишларда иштирок этиши ва бошқалар.	9:30-11:10	9:30-11:10
Гигиеник соғломлаштириш муолажалари (ҳаво ва қуёшли ванна, душ, сузиш бўйича машғулотлар)	11:10-12:30	11:10-12:30
Бўш вақт	12:30-13:00	12:30-13:00
Тушки овқат	13:00-14:00	13:00-14:00
Кундузги уйқу	14:00-16:00	14:00-16:00
2-тушлик	16:00-16:30	16:00-16:30
Тўғараклардаги машғулотлар, спорт секциялари, ҳар хил тадбирларда иштирок этиш	16:30-18:30	16:30-18:30
Бўш вақт, турли ўйинлар, мустақил ўқиши	18:30-19:00	18:30-19:00
Кечки овқат	19:00-20:00	19:00-20:00
Оқшом гулханлари ва бошқа отряд тадбирлари	20:00-20:30	20:00-21:30
Умумий оромгоҳ сафланиши		21:30-21:45
Кечки шахсий гигиена соати	20:30-21:00	21:45-22:00
Уйқу	21:00	22:00

Болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига қўйиладиган санитария-гигиеник талабларга  
14-ИЛОВА

**Ишлаб чиқувчилар рўйхати:**

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Санитария-эпидемиология хизмати); Тошкент тиббиёт академияси (ТТА); Санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти (СГвАКК ИТИ)